



Бугун ЎзХДП Марказий Кенгаши Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик тантаналарига муносиб тайёргарлик кўриш ишлари доирасида пойтахтимиздаги Ботаника боғида хайрия ҳашари ўтказди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари қатнашади.

Фракцияда муҳокама

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси янги қонун лойиҳаларини муҳокамадан ўтказди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

Асосий босқич изчил давом этмоқда

Яқинда Бухоро вилоят статистика бошқармасига Нурмурод Рамазонов томонидан ёзма мурожаат келиб тушди. Унда фуқаро статистика бошқаруви тузилмаси ҳамда вилоят статистика бошқармаси фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот берилишини сўраган. Сўров рўйхатга олинди ва белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, уч кун ичида Н.Рамазоновга жавоб берилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган мақсад ҳам аслида фуқароларнинг ахборот олиш эркинлиги ва ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир. Шу маънода «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ўтказилаётган ҳуқуқий тажриба катта ҳаётий аҳамиятга эга.

Маълумки, ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг янги бос-

қичини бошлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий тажрибанинг асосий босқичи Бухоро вилоятида изчил амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар фаолияти эксперимент ўтказиш тартибига мувофиқ ташкил этилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мазкур жараёни ташкил этиш, веб-сайтлар яратиш ва мунтазам тўлдириб бориш, ахборот олиш ҳоналарини шакллантириш ва бошқа муҳим вазифалар бўйича иш олиб бора-япти.

(Давоми 2-бетда.)

Сийёсий партияларнинг мавқеи

маҳаллий даражада ҳам тобора мустақамланмоқда

Сийёсий партия давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сийёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилади, ўз

вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашади. Давлат сийёсий партияларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофаза

этилишини кафолатлайди, дастурида белгиланган мақсад ва вазифалари бажарилиши учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги ййгилишида амалдаги ана шу ҳуқуқий меъёрларни янада

(Давоми 2-бетда.)

Жамоатчилик фикри

Ўзбекистоннинг 22 йиллик мустақил тараққиёт йўли

Халқимизнинг энг улғу, энг азиз байрами арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мамлакатимиз фуқаролари истиқлол йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни қандай баҳолашини аниқлаш мақсадида ижтимоий сўров ўтказди. Сўровда мамлакатимизнинг барча ҳудудида яшайдиган фуқаролар, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигини кўтаринки кайфият, ўз Ватанидан ифтихор туйғуси билан қарши олмақда. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти (90 фоиздан ортиғи) «истиқлол йилларида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида улкан натижаларга эришилди», «мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган», «Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди» ва «Ўзбекистон жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади» деб ҳисоблайди.

Улар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш, оддий одамлар ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилганига қатъий ишонди. Сўров иштирокчиларининг фикрича, барча соҳада қўлга киритилган улкан муваффақиятлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифати муттасил ошаётганлигининг асосини айнан ушбу ўзгаришлар ташкил қилади ва бу келгуси ислохотлар самарадорлигини кафолатлайди. Сўралганларнинг кўпчилиги (қарийб 90 фоизи) Ўз-

бекистон фуқароси эканидан фойдаланади. Фуқароларимиз, жумладан, ёшлар Ўзбекистон мустақиллигини бебаҳо неъмат деб билади ва «Ўз Ватанининг мустақиллигини ҳеч қачон йўқотишни истамаслиги ва истиқлолни ҳеч нарсага алмашмаслиги»ни қайд этиб, унинг янада равнақ топишига, ўз оиласининг истиқболига ишонади.

Сўровда қатнашганларнинг аксарият кўпчилиги мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган муваффақиятларини юксак баҳолайди. Иқтисодиёт, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

Сессия қарор қабул қилди

Бу қарорнинг лойиҳаси ЎзХДП депутатлари томонидан тайёрланган ва унда муҳим таклифлар ўз ифодасини топган эди

Халқ депутатлари Тошлққ туман Кенгаши сессияси муҳокамасига ЎзХДП депутатлик гуруҳи киритган масала юзасидан тайёрланган ва таклиф этилган қарор лойиҳаси тўлиғича қабул қилинди.

⇒ 2

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

Мустақиллик — фахримиз, ифтихоримиз

ЎзХДП Самарқанд вилоят Булунғур туман кенгаши «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда Кулчабўйи қишлоғида «Мустақиллик йилларида таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасидаги ютуқлар» мавзусида давро суҳбати ўтказди.


Унда мутахассислар, тегишли соҳалар вакиллари, ўз меҳнати билан халқ орасида обрў-эътиборга сазовор бўлган кишилар мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятларни ҳаётий мисоллар билан таҳлил қилиб берди.

— Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик шодиёналари шуқуҳи маҳалла ва қишлоқларимизда, одамлар қалбида намоён бўлаяпти, — деди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Ўролбой Гаппаров. — Шу кунларда ким билан гаплашманг, ўтган йиллар давомида юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида, ўзи, фарзандлари эришаётган ютуқлар ҳақида гапиради. Ўз ҳаётидан мисоллар келтиради. Буларнинг барчаси, табиийки, мустақиллик туфайлидир. ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ва

бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилаётган бундай тадбирларга, айниқса, ёшлар фаол жалб этилаётгани уларнинг дунёқарабини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти.

Тадбирда истиқлол йилларида таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва спорт каби соҳаларда булунғурлик ёшларнинг қўлга киритган ютуқлари алоҳида қайд этиб ўтилди. Улардан ўрнатилган, намуна олиб, ўсиб келаётган ҳар бир ёш фақат юқори натижаларга интилиши кераклиги таъкидланди.

Жасур УМИРЗОҚОВ, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Булунғур туман бўлими етакчиси.



Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир

⇒ 3

Фахр-ифтихор манбаи

«Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали ғолиби, Ўзбекистон халқ ҳофиси Сойибжон НИЁЗОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига мазкур фестивалнинг халқлар ўртасида ижодий ҳамкорлик, маданий-маърифий муносабатлар доирасини кенгайтиришдаги ўрни хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

⇒ 4



«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Сиёсий партияларнинг мавқеи маҳаллий даражада ҳам тобора мустақамланмоқда


— «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси давлат ва жамият бошқарувини кўппартиявийлик тамойили асосида демократлаштиришда муҳим аҳамиятга эга, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев**. — Мазкур ҳужжатда сиёсий партияларнинг, уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатлик корпусининг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кафолатлаш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги электротар маффаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ечими кўзда тутилган.

партиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятига кўра, бу борадаги ҳуқуқий ислохотларнинг узвий давоми, дейиш мумкин.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси билан белгиланаётган меъёрлар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечишда сиёсий партияларнинг ўрнини янада мустақамлашга, вакиллик органларининг мавқеини кафолатлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Қонун лойиҳасида бир нечта янги меъёрлар назарда тутилмоқда. Аввало, партия (депутатлик) гуруҳини ташкил этиш тартиби ва шартлари аниқлаштирилмоқда. Жумладан, партия гуруҳларини ташкил этиш учун депутатлар сони камида беш нафар бўлиши кераклиги белгиланмоқда.

Партия гуруҳининг фаолиятини тугатиш билан боғлиқ қондалар жорий қилинапти. Улар-



қаторда тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича, шунингдек, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ҳисоботи ёки ахборотини сессияларда эшитиш ҳақида таклифлар киритиши мумкинлиги кафолатланмоқда. Яна бир муҳим жиҳат шуки, қонун лойиҳаси билан партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари (маҳаллий) Кенгашидаги киритиладиган масалалар бўйича таклифлари кўриб чиқиши шартлиги тўғрисида қоида жорий қилинапти.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат экани Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун муҳим ҳимоя қилиш кўриб чиқиши асосида аъзолари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Алия ЮНУСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партиялар, хусусан, ЎзХДПнинг келгусида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги роли ва масъулиятини янада оширишга, дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга жорий этиш бўйича фаолиятини кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Партиямиз 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор бераёпти. Жойларда электротар маффаатлари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш асосида маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари, сессияларга таклифлар киритиш, муайян мутасадди раҳбар ҳисоботи ёки ахборотини эшитиш жараёнларида айрим кийинчиликлар юзга келаётган эди. Қонун лойиҳаси бу масалалар ечимига, ижро ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг маҳаллий давлат вакиллик ҳокимияти олдидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустақамлаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган мазкур ҳужжат тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатини янада мустақамлаш, шунингдек, ишларнинг судда сансалорликсиз ва сифатли кўриб чиқиши билан боғлиқ меъёрлар жорий қилинишини назарда тутди.

Фракция аъзоларининг фикрича, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали кафолатли ҳимоя қилиниши, бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштириш тадбиркорлик субъектларида яратиладиган иш ўринлари барқарорлигини таъминлашда, Халқ демократик партияси Дастурида муҳим ўрин тутган янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ташаббуслари кўпайишида муҳим аҳамият касб этади.

Депутатлар қонун лойиҳалари юзасидан партия дастурий мақсадлари, электротар маффаатларидан келиб чиқиб, таклиф-мулоҳазалар билдиришди. Мазкур қонунлар лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида кўриб чиқилаётганда фракция ўз нуктаи-назарини қатъият билан ҳимоя қилди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

Асосий босқич изчил давом этмоқда

Виллоят ҳокимлиги веб-сайти техник ва дизайн жиҳатдан янгиланган. Адлия, статистика, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Бухоропахтасаноат» ОАЖ худудий билалашмаси, «Агротурга» ташкилотлари ҳамда Бухоро шаҳар, Вобкент ва Шофиркон туманлари ҳокимликларининг веб-сайтлари яратилган. Шунингдек, мазкур ташкилотлар биноларининг барча кириши мумкин бўлган жойларида аҳоли ба-тафсил ахборот олиши учун махсус хоналар ташкил этилиб, у ерда идора фаолияти, иш тартиби, ташкилий тузилмаси, фуқароларни қабул қилиш жадвали, тартиби ҳамда бошқа зарур маълумотлар жойлаштирилди.

Биз Бухоро виллоят статистика бошқармаси томонидан ҳуқуқий экспериментнинг асосий босқичида олиб борилаётган ишлар билан қизиқдик.

Бобур НАСИМОВ, Бухоро виллоят статистика бошқармаси бошлигининг ўринбосари:

— Биламизки, расмий веб-сайтлар ахборотдан фойдаланувчида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни тез ва сифатли тақдим этишнинг муҳим воситасидир. Шу боис қонун лойиҳасининг 11-модда-сида назарда тутилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайтларда жойлаштириши ҳамда янгиланган бориш белгиланган. Веб-сайтта жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборот долзарб, ишончли, яхлит, мавзу блоклари бўйича аниқ йўналишда тақсимланган бўлиши керак. Жамоатчиликнинг ҳуқуқий тажриба субъектларининг фаолияти тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг интернет-тармоғида расмий веб-сайтлари яратиш, ривожлантириш, мунтазам равишда ахборот билан тўлдириб бориш бўйича қатор ишлар амалга ошириляпти.

Умид ОТАЕВ, Бухоро виллоят статистика бошқармаси масъул ходими:

— Ҳуқуқий эксперимент суб-екти сифатида ахборотдан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни қонун лойиҳаси талаблари асосида янги бос-

қичга олиб чиқишга ҳаракат қилаёмиз. Масалан, бошқар-манинг расмий веб-сайти (bux-stat.uz) тегишли ахборотлар билан тўлдириб бориляпти. Веб-сайтта бошқарманинг структураси, функциялари, ва-зифалари, ҳуқуқлари, мажбу-риятлари, шунингдек, соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий ҳуж-жатлар жойлаштирилган. Фа-олиятимизга оид ахборотлар, мурожаатларни кўриб чиқиш, фуқароларни қизиқтирган са-волларга жавоб беришда ҳам веб-сайт қулай воситага ай-ланди. Ҳафтада икки марта веб-сайт маълумотлари янги-ланади. Бошқарма томонидан ўтказилган тадбирлар сурат-лари билан бериб борилади. Бир сўз билан айтганда, бош-қармада ахборотдан фойда-ланувчиларга аниқ, сифатли ва тезкор ахборот тақдим этиш учун етарли шароит яратил-ган.

Умуман олганда, қонун лойи-ҳасининг синови фуқаролар-нинг ахборот олиш эркинлик-ларини жиддий равишда кен-гайтирганини кўриш мумкин. Ҳуқуқий экспериментнинг асо-сий босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси таш-килотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги де-путатлик гуруҳлари ҳам муно-сиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

— Фуқаролик жамиятида ҳар қилминг ахборот олиш, ундан ўз ихтиёрига кўра фойдала-ниш ҳуқуқлари кафолатлани-ши керак, — дейди ЎзХДП Бу-хоро виллоят кенгаши раиси, халқ депутатлари виллоят Кен-гашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева. — Мамлакатимиз Конституция-сида бу кафолат яратилган. Айни пайтда синовдан ўтқа-зилаётган қонун лойиҳаси унинг амалий механизмини яратиши билан аҳамиятлидир. Шу боис биз биринчи навбат-да партиямиз электротари ва-килларига ҳуқуқий экспери-ментнинг амалга оширилиши, ахборот олиш эркинлиги кен-гайганини тушунтиряёмиз. Бизга бўладиган мурожаат-ларнинг кўпчилиги айнан бир-ор-бир соҳа бўйича ахборот олиш билан бевосита боғлиқ бўлар эди. Фуқароларни за-рур ахборотлар билан таъмин-лаш имкониятлари кенгайга-ни ўз-ўзидан бундай мурожа-атларнинг камайиши, аҳоли-нинг мамлакатда амалга оши-рилаётган ислохотлардан огох-лик даражасининг ортишига хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жамоатчилик фикри

Ўзбекистоннинг 22 йиллик мустақил тараққиёт йўли

Сўровда иштирок этганлар-нинг 90 фоизининг фикрига кў-ра, Ўзбекистонда тинчлик-бар-қарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик тобора мустақамлашни бораётгани, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асо-слари яратилгани, мамлакат-имизнинг ижтимоий-сиёсий ҳа-ётда демократия принциплари, сўз эркинлиги ва инсон ҳу-қуқлари қарор топгани, ижт-моий бозор иқтисодиёти шакл-ланиб, муваффақиятли фао-лият юритаётгани мустақил та-раққиётнинг асосий ютуқлари-га замин бўлмоқда.

Сўров истиқлол йилларида ақсарият аҳолининг (92 фоиз-дан зиёд) моддий аҳоли, яшаш ва маиший шароити яхшилани-ши борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисида-ги масалаларни киритди.

Бундай амалий ишлар нати-жасида камчиликларни бартара-ф этишга қаратилган қарор-лар қабул қилинапти, энг му-ҳими, партия электротарини ташкил этувчи фуқаролар ман-фаатлари самарали ҳимоя қилинмоқда. Фаоллик кўрса-тишдан бош мақсад ҳам шу ас-лида.

Муҳаммадjon ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

Сессия қарор қабул қилди

Бу қарорнинг лойиҳаси ЎзХДП депутатлари томонидан тайёрланган ва унда муҳим таклифлар ўз ифодасини топган эди

Халқ депутатлари Фарғона виллоят Тошлоқ ту-ман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъмин-лаш ва ташкил этиш бўлими, умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларида Президен-тимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги қарори асосида амалга оши-рилаётган ишларни ўрганишга қарор қилди.

Масала ҳақиқатан ҳам дол-зарб. Шунинг учун партия де-путатлик гуруҳи тажрибали де-путатлар, мутахассислардан иборат ишчи гуруҳини ташкил этди. Ўрганишлар шуни кўрсат-дики, туман халқ таълими му-ассасалари фаолиятини ме-тодик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан хори-жий тиллар бўйича мавжуд му-тахассис кадрлар банки яра-тилган. 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби, 12-умумтаълим мактаби, 2-мактабгача таълим муассаса-сида белгиланган ишлар қарор талаби асосида ташкил этил-ган. Бу борада бир неча мак-табда кўргазмалли семинар ташкил этилган ва яхши таж-рибалар оммалаштирилган.

Бирок ютуқлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган, — дейди **депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурахим Мамажонов**. — Туман халқ таъ-лими муассасалари фаолият-ини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидаги хо-рижий тиллар услубчиси хона-си қарор талаблари даража-сида жиҳозланмаган. Айрим мактабларда ташкил этилган инглиз тили тўғрақлари фао-лияти қониқарли эмас. Фан ка-

бинетлари зарур жиҳозлар би-лан тўлиқ таъминланмаган. Де-мак, ўқув жараёнларини Пре-зидент қарори талаблари да-ражасида ташкил этиш, бу ма-салаларга эътиборни янада ку-чайтириш зарур.

Депутатлик гуруҳи эксперт-лар билан бирга ўтказган тах-лиллар шуни кўрсатдики, ўқув-чиларнинг чет тилини ўзлаш-тириши ҳамма мактабларда ҳам давлат таълим стандарт-лари даражасида эмас. Чет ти-лини мукаммал ўрганишда ком-пьютер дастурларининг аҳамия-ти катта. Лекин айрим мактаб-лардаги компьютерлар интер-нет тармоғига уланмаган.

Депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурахим Мамажонов шу ҳақ-да халқ депутатлари Тошлоқ-туман Кенгашининг сессияси-да батафсил ахборот берди. Депутатлик гуруҳи томонидан фан кабинетларини қайта хат-ловдан ўтказиш, жиҳозлаш, за-монавий ахборот-коммуника-ция ва ўқитиш воситалари би-лан таъминлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, 1-4 синфлар учун ўқув дарслиги ва қўлланмаларга бюрмталар бе-риш, чет тили фанидан очиқ дарслар ўтказиш, мактаб ку-тубхоналарини чет тилидаги

бадий адабиётлар билан бо-йитиш каби қатор таклифлар билдирилди.

Йиғилиш давомида туманда-ги 38-мактаб директори Кур-бонали Абдурахмонов мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазала-рини билдирди. Туманда чет тилларини ўқитишни яхшилаш билан боғлиқ ишлар талаб да-ражасида эмас, деб топилди. 2012-2013 ўқув йилида туман-да 5-9 синфлар сони 484 тани ташкил этиб, бу синфларда 13027 нафар ўқувчи таълим олди. Чет тили ўқитувчилари эса бор-йўғи 116 нафардир. 2013-2014 ўқув йили учун эса яна камида 30 нафар чет тили ўқитувчисига эҳтиёж бор.

Халқ депутатлари Тошлоқ ту-ман Кенгаши сессияси мухока-масига ЎзХДП депутатлик гу-руҳи киритган масала юзаси-дан гуруҳ томонидан тайёрлан-ган ва таклиф этилган қарор лойиҳаси тўлиғича қабул қилин-ди. Унда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлашдан то ўқувчи-лар учун чет тилида турли ма-зуларда кечалар ўтказишгача бўлган етти босқичдан иборат вазифалар белгиланган.

— Сессия жонли ва амалий ўтишида ЎзХДП депутатлик гу-руҳи аъзоларининг масала-ни пухта ўргангани ҳамда му-каммал таклифлар киритгани алоҳида эътиборга лойик, — дейди халқ депутатлари ту-ман Кенгаши раиси Халимжон Умаров.

Шу ўринда таъкидлаш керак-ки, туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи партия Дас-тури, Сайловолди дастури ва 2011-2014 йилларга мўлжал-ланган Ҳаракат дастурида бел-гиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор



Мақсуд ТОИРОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши Мафкуравий ва тарғибий-ташвиқий масалалари бўлими мудири:

— Сиёсий партия жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида дастурий мақсадлар тарғиботи, мафкура-вий ишларни тизимли ташкил этиш муҳим ўрин тутди. Бу ҳақда гап кетганда, электротар орасида турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаёт-ган тадбирлар, давра сўбатлари ва учрашувларнинг аҳамияти катта бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Партия гоёсини кенг тарғиб қилиш, электротарни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, ҳаётий таклифлар шаклланиши учун ҳар бир тадбирни иштирокчилар билан мулоқот тарзида ўтказиш, мавзулар долзарблигига эъти-борни янада кучайтириш лозим.

Тадбирларда депутатлар билан бир қаторда сиёсатшуно-слар, турли соҳа мутахассислари, эл-юрт назаридаги инсонлар, электротар вакиллари фаол қатнашишига эришиш долзарб аҳамиятга эга. Шу нарса аниқки, мавзуларни ҳаётга яқинлаштир-масдан, тадбирлар дастурини аудиторияга мослаб режалаш-тирмасдан, интерактив усуллар-дан кенг фойдаланмасдан туриб мафкуравий тадбирлар самара-дорлигига эришиб бўлмайди.



Маълумки, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини яна-да ривожлантириш ва мустақ-камлаш, партиялараро рақобат муҳитини шакллантириш маса-лаларига алоҳида эътибор қа-ратилмоқда. Давлат ҳокимия-тида вакиллик органларининг ўр-ни ва аҳамиятини янада кучай-тириш, ижро этувчи ҳокимиятни шакллантириш, унинг фаолият-и устидан парламент назорати-ни амалга оширишда сиёсий партияларнинг таъсирини кафо-латлаш учун мустақам қонун-чилик асослари яратилмоқда. «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги Қонунга киритилаётган ўз-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир

Хар қандай мамлакатнинг демократик хусусиятларини кўрсатувчи шартлардан бири — инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ёндашётгани ҳамда унинг амалга ошириш учун қандай шарт-шароитлар яратилгани билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига доир бир қатор демократик ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро стандартларга асосланган инсон ҳуқуқларига доир 500 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Шу билан бирга мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатни ратификация қилди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат институтлари миллий тизими яратилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан вазирлик тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди.

Адлия идоралари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни бажариш мақсадида миллий институтлар билан ҳамкорликни мустақамлаб бормоқда. Жумладан, 2005 йилнинг 28 сентябрь кuni Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва унга риёя этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида»ги Меморандум имзоланди ва ушбу ҳужжат ҳамкорликда фаолият кўрсатишга замин яратди.

Меморандум доирасида барча ҳудудий адлия идоралари ва Омбудсманнинг мин-

тавий вакиллари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик асосида тадбирлар режаси тузилиб, амалий ишлар йўлга қўйилган.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қошида ташкил этилган Жамоатчилик эксперт кенгаши фаолиятида ҳам Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси масъул ходими аъзо бўлиб, Омбудсманга инсон ҳуқуқлари соҳасига оид муаммолар масалалар юзасидан келиб тушган мурожаатлар юзасидан ўз фикр ва ҳулосаларини бериб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш борасида Адлия вазирлиги томонидан фуқароларга уларни қизиқтирган масалалар бўйича малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши юзасидан ёзган мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қонунчиликка мувофиқ уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш чоралари кўришмоқда. Шу каби қонунбузилишга йўл қўйган мансабдор шахслар ёки ташкилотларга нисбатан таъсир чоралари амалга ошириляпти.



Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва ҳудудий бўлиmlарига 2013 йилнинг биринчи ярмида фуқаролардан 2937 та мурожаат тушган бўлиб, шундан 234 таси ариза, 2456 таси шикоят, 247 таси «Ишонч телефони»га қилинган мурожаатларни ташкил этади.

Умумий таҳлиллар натижасига кўра, 2013 йил олти ойи давомида адлия органлари ёрдами билан 857 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Тегилиш идораларга 459 та тақдимнома киритилди. Тақдимномалар натижасида 639 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган, шулардан 33 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган вазифасидан озод қилинган.

Шунингдек, қонунчиликни бузиш ҳолатлари юзасидан 269 та оғоҳнома, 190 та ёзма кўрсатма киритилган, маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 157 та тақлиф киритилган бўлиб, унга кўра 166 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ушбу давр давомида фуқароларнинг манфаатларини

кўзлаб, судларга 1 млрд. сўмдан ошқ 1408 та даъво аризи берилган. Шундан 1 млрд. сўмдан ошқ 1194 та даъво ариза судлар томонидан қаноатлантирилган. Киритилган 84 та даъво аризага кўра суд қарорига асосан мансабдор шахслардан 11 млн. сўмга яқин маблағ фуқаролар фойдасига ундирилган.

Жумладан, 2-гурӯх ногирони А.Ҳайталиевга Термиз шаҳрида фаолият юритувчи 1-сон автокорхона мансабдор шахслари автокорхона томонидан меҳнатда майибланганлик нафақасини тўлаб берилишини пайсалга солиб келган. Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан А.Ҳайталиевнинг шикояти юзасидан киритилган тақдимнома натижасида унга 489 000 сўм нафақа пули тўлаб берилган ва айбдор шахс — корхона ҳисобчиси К.Тошпўлатовга «хайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилган.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан Иштихон тумани, Чимқўрғон қишлоғида яшовчи З.Джуманов-

нинг синглиси А.Джуманова-га ногиронлик гуруҳи тайинланмаётгани ҳақида ёзган шикоят ўрганиб чиқилди. Шунга кўра, Иштихон туман кўп тармокли марказий поликлиникаси бош врач номига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг сабабларини ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бар-тароф этиш тўғрисида тақдимнома ҳамда Самарқанд вилоят 55-сон Оқдарё туманлараро тиббий-меҳнат эксперт комиссияси раисига оғоҳнома киритилди.

Тақдимнома ва оғоҳнома ижроси юзасидан А.Джумановага 2-гурӯх ногиронлик тайинланди ва айбдор ходимлар интизомий жазога тортилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон ҳуқуқи — олий қадрият ҳисобланади. Мустақиллик бизга шундай неъмат берди. Шу боис Истиқлолни ҳуқуқ, деб тушунамиз.

Шухрат АБДУХАЛИМОВ,
Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг масъул ходими.



Хориж

Смартфон

оммалашиб бормоқда

Жанубий Кореяда смартфондан фойдаланиш кун сайин ўсиб бормоқда. Айни пайтда смартфон эгалари сонига кўра Жанубий Корея Республикаси дунёда биринчи ўриндадир. Бунга сабаб нафақат шунчаки эҳтиёж, балки мамлакатда интернет тармоқларининг тезкор ишлаши ва боғланишининг осонлигидир, дейилади ИТАР-ТАСС хабарида.

Ахборот агентлигининг «Strategy Analytics» компанияси маълумотларига асосланиб хабар тарқатишича, бугунги кунда жанубий корейликларнинг 67 фоизи смартфон орқали мобил алоқа хизматидан фойдаланмоқда. Бу дунё бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

Жаҳонда ўртача кўрсаткич 14,8 фоизни ташкил этади ҳолос. Бу кўрсаткични Жанубий Корея 2010 йилдаёқ забт этган эди. 2011 йилда эса бу рақам 38,3 фоизга етган. Жорий йилнинг охирига бориб кўрсаткич 79,5 фоизга етиши мумкинлиги башорат қилинмоқда. Сингапурда эса 66,5, Гонконгда 63,6 фоизга етиши тахмин қилинмоқда.

2012 йил ҳисоботида қайд этилишича, мазкур кўрсаткичлар Гонконгда — 54,9 фоиз, Сингапурда — 53,1 фоиз, Швецияда — 46,9 фоиз, Данияда — 43,4 фоиз, АҚШда — 39,8 фоиз, Россияда эса 37 фоизнинг нари-берисидан бўлган.

Тамаки маҳсулотлари

рекламаси тақиқланади

Озарбойжонда тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламасини тақиқлаш мўлжалланмоқда. Парламентнинг навбатдан ташқари сессиясида кўриб чиқиш режаланаётган «Реклама тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

«АПА» ахборот агентлиги хабарига қараганда, тақиқлов тамаки ва тамаки маҳсулотларидан ташқари электрон сигарет, чилим, мундштук ва «зажигалка»лар рекламасига ҳам тааллуқлидир.

Мазкур қонун лойиҳасига кўра, жамоат жойларида — жамоат транспортида, кинотеатрларда, ёпик биноларда, спорт мусобақалари ва концерт намоиши уюштирилаётган стадиону саройларда, шунингдек, ўқув муассасаларида, маиший хизмат тармокларидан чекиш тақиқланади.

Маълумот учун шунини айтиш жоизки, Озарбойжонда бугунги кунда 9 миллионга яқин одам истиқомат қилаётган бўлса, Барқарор ривожланиш тадқиқот маркази мутахасссларининг фикрича, 2-3 миллион киши сигарет чекади.



Реклама

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

КАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ОБЪЕКТ НОМИ:

ЛОТ-6-2. «Учкўприк тумани, Учкўприк ҚФЙ, Учкўприк қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши»

Бошланғич нархи: **503 361 700 сўм ҚҚС билан; 419 468 100 сўм ҚҚС сиз.**

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштирилаётган объектларга ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат тақлифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Муддати — **1.09.2013 йил.**

Манзил: Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37. Тел.(373) 400-52-80, 244-52-24, 244-52-15 (факс).

Қурилиш ишлари Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдоридан айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳоланда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳоланда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй.

Телефон/факс: (373)244-55-32, 99898-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг нархи — 63 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш кунини ва вақтигача қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй манзилида ўтказилади.

2013 йил — Обод турмуш йили

Маҳалладан бошланар ҳаётнинг боши



Юртимиздаги маҳаллалар кундан-кунга чирой очиб, ҳалқимизнинг ижтимоий, маиший, маданий ҳаётининг ўзига хос кўзгусига айланиб бормоқда. Шундай маҳаллалардан бири Чилонзор туманидаги «Дўстлик» маҳалласидир.

— Маҳалланинг ташкил топганига ҳали унчалик кўп бўлмаган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Самия Атабаева. — Ўтган саккиз йил ичида маҳалламиз орасталиги ва ибратли ишлари билан туманда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Айни кунларда энг улғу ва энг азиз шодидеамиз — Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларимиз маҳалладашлар ўртасида аҳилликни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Худудда жойлашган 31 та кўпқаватли уй, 12 та кotteж, 1930 та хонадонда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, кўп қаватли уйлар йўлакларининг 60 фоизи сўнгги икки йилда капитал таъмирланган бўлса, қолган қисми жорий таъмирдан чиқарилди. Маҳаллани ободонлаштириш учун қиш-баҳор мавсумида 500 туп манзарали дархат, 100 туп япон сакуриси, 400 туп терак, 60 туп

мажнунтол, 380 туп арча кўчатлари экилди. Маҳалла болалари учун 17 та спорт майдончаси барпо этилиб, уларнинг барчасига замонавий болалар дам олиш ускуналари, турли ҳалинчак, карусель ва эртак қаҳрамонлари тасвирлари, болаларда она табиятга меҳр уйғотувчи ҳайвонларнинг ҳайкалчалари ўрнатилди. Бу соя-салқин, хушманзара жойларда болалар мириқиб дам олишмоқда.

Баркамол авлод тарбиясида Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис маҳалла фаоллари оилалар, худуддаги 267-мактабгача таълим муассасаси ва 182-умумтаълим мактаби жамоалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишган. Жумладан, маҳалла фаоллари бу муассасалар жамоалари билан ҳамкорликда маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг ёзги таътил вақтида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишини бамаслаҳат

ҳал қилишди, худудда болалар учун спорт, санъат, компьютер, тил ўрганиш ва бошқа йўналишлардаги тўғарақлар ташкил этилди. Йил бошидан буён ёшлар тарбиясига бағишланган 30 та учрашув ва 45 та давра суҳбати ўтказилди.

Шунингдек, маҳаллада ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларни ўзлари қизиққан касб-хунарга йўналтириш ишлари олиб бориляпти. Айниқса, қизлар эрта турмушга чиқишининг олдини олиш, уларни келажақда бирор касбнинг эгаси бўлиши учун пазандалик, тикув-бичувга ўргатиш ишлари йўлга қўйилган. Ўқувчи-ёшлар томонидан тўғарақларда тайёрланган маҳсулотларни кўргазмага қўйиш, савдога чиқариш режалаштирилган.

Бугун Чилонзор туманидаги «Дўстлик» маҳалласига келсангиз истиқлол байрамига қизгин тайёргарлик устидан чиқасиз. Бу ерда маҳалла фаоллари амалга ошираётган ишларга қараб, маҳалла нафақат кишиларнинг яшаш жойи, балки Ватанининг катта ишларига камарбаста фуқаролик институти эканига ҳам амин бўласиз.

Интёзор БОҚИЕВА

Фестиваль

Беқиёс меҳрдан баҳраманда авлод

Андижон вилояти Хўжобод туманида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» деб номланган ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда тумандаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларининг икки минг нафардан зиёд ўқувчилари иштирок этди.

Фестиваль ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни турли ёт гоёлар таъсиридан асраш, воғна етмаганларда ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Асосий мақсад Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлиқни, улар учун яратиб берилаётган улкан имкониятларни ёшлар онгига синдириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлардаги фаоллик, ташаббускорликни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хўжобод тумани бўлими раиси Шерзодбек Мўминов. — Фестиваль доирасида сузиш, белбоғли кураш, стол тенниси, волейбол, мини-футбол каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ёш оилалар иштирокида бўлиб ўтган интеллектуал ўйинлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, ОИВ/ОИТСга қарши кураш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари мавзуларидаги учрашув ва давра суҳбатлари ёшларнинг бу борадаги билимини янада бойитди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Матбуот анжумани

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ва тадбир жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



лари билан безатилмоқда. Халқаро фестиваль кунларида Регистон майдонида намойиш этиш учун ширинликлар, қуруқ мевалар, полиз маҳсулотлари ва мевалар, Самарқанд нонлари, хунармандчилик маҳсулотларидан иборат композиция тайёрланмоқда. Иштирокчиларнинг туман ва шаҳарларда аҳоли билан ижодий учрашувларини ташкил этиш мақсадида Самарқанд шаҳридаги «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғи, Самарқанд педагогика коллежининг «Нихол» амфитеатри, 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби, Пастдаргом туманидаги «Ёшлар» маданият ва истироҳат боғи, Оқдарё туманидаги «Қирқдархон» маҳалла маркази, Жомбой туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби, Самарқанд туманидаги «Обод турмуш» маҳалла марказида зарур шарт-шароитлар яратилди. Фестиваль доирасида «Шарқ мусиқа анъаналари замонавий маданият тизимида» мавзусида илмий конференция ўтказилади. Самарқанддаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, музейлар ва истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотларга саёҳатлар уюштирилади.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Фахр-ифтихор манбаи

— Мусиқа — одамларни юксак ва олижаноб мақсадлар йўлида бирлаштирадиган буюк куч. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида 1997 йилдан буён йилора ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Ўн икки йил аввал Абдунаби Иброҳимов билан жузовозликда Фаттоҳон Мамадалиев мусиқаси ва Хайратий ғазали билан айтулгучи «Топмадим» катта ашуласини қуйлай бошлаганимизда Регистон сукути чўмди. Қўшиқ авжига ҳамоҳанг қарсақлар садоси ҳам кўтарила борди. Бунини дунёнинг манамен деган хонандаю созандаларининг миллий оҳанг ва ашуламизнинг ҳаётбахш сеҳри, инсон руҳига таъсирининг яна бир эътирофи, деб қабул қилдик. Шундай буюк ва муқаддас Ватан, юксак истеъдодли халқ фарзанди эканимиздан чексиз гурур туйдик. Фестиваль ўзбекона бағрикенглигининг гўзал намунаси бўлгани учун ҳам иштирокчи давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. 2011 йилда 53 давлатдан 352 санъаткор ҳамда мутахассис қатнашди. Поляша, Ирландия, Чехия, Литва, Куба, Сенегал каби фестивалда илк бор қатнашган давлатларнинг мусиқа санъати билан танишиш имконига эга бўлдик.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мазкур фестиваль туфайли асрлар оша сайқалланиб келаётган бетакор мусиқа санъатимиз жаҳон мусиқа шинавандаларининг янада кенгрок эътиборига тушиб, санъаткорларимизнинг қўшиқлари дунёга янада кенгрок ёйилмоқда. Ўнлаб мамлакатларнинг хонандалари, бастакор ва санъатшунос олимлари билан яқин ижодий мулоқотда бўлдик.

Ўтган йиллар мобайнида Англия, Бельгия, Голландия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатларда ўтказилган қатор фестивал ва танловларда иштирок этиб, ғолиб ё савриндор бўлганимдан фахрланаман.



ЎзА мухбири
Байрам АЙТМУРАДОВ
ёзиб олди.

Катта ашула — анъанавий ўзбек қўшиқчилигининг ўзига хос йўналиши, ноёб намунаси. Маълумки, катта ашулада ижрочининг нафақат овоз имконияти, балки нутқ мукамаллиги, шеърят қоидаларидан яхши хабардорлиги, оҳангни сезиш қobiliяти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис катта ашула ижрочилиги «устоз-шогирд» анъанавий мактаби асосида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида «агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий олами сехта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас», деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, мусиқа аввало инсонда юксак дид ва олижаноб туйғуларни уйғотиши лозим.

Санъатсевар ёшларимиз учун барпо этилган замонавий мусиқа ва санъат мактабларидаги шароитлар

ни кўриб, ҳавасим келади. «Янги авлод», «Келажак овози», «Нихол», «Марду майдон», «Ягонасан, муқаддас Ватан!» каби кўрик-танловлар уларнинг истеъдоди ва ижрочилик маҳоратини юзага қиришга хизмат қилаётди.

Бугунги ёшларимиз бошқа соҳалар қатори мусиқа ва қўшиқ санъатида ҳам ҳеч қимдан кам эмаслигини, кам бўлмаслигини дунёга намён этмоқда. Мусиқа мактабларида таълим олаётган ўғил-қизларимиз халқаро танловларда ғолиб бўлиб, ўз ижро маҳорати билан жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда.

«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали ҳам миллий мусиқа меросимизни жаҳонга таранум этишга қодир янги истеъдодларни кашф этиши шубҳасиз. Фестивалнинг энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида ўтказилиши истиқлол ўзлгимизни англаш, бой тарихимиз, маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодга бус-бутун ўтказишда кенг имкониятлар берганини бутун дунёга яна бир бор намойиш этади. Мен оддий бир ҳофиз ҳамда шу табаркур заминнинг фарзанди сифатида бундан чексиз фахр-ифтихор ва шукрона туяман.

Спорт

Ҳамюртимиз финал босқичида!

Бугун енгил атлетика бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг найза улоқтириш мусобақалари финал босқичида ҳамюртимиз Иван Зайцев ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мазкур жаҳон чемпионатида Анастасия Журавлёва уч хатлаб сакраш, Надия Дусанова баландликка сакраш бўйича саралаш мусобақаларидан ўта олмади. Зайцев эса бу вазифани шараф билан удралади. У саралаш мусобақасида биринчи уринишдаёқ найзани 81 м 53 см ўзқолликка улоқтирди ва қолган икки уринишни амалга оширишига ҳолат қолмади. Зайцев тўртинчи натижа билан финалга йўл олди. Саралаш мусобақасида энг яхши натижа қайд этган финляндиялик спортчи найзани 84 м 39 см масофага улоқтирди. Хуллас, жаҳон чемпионати совриндорлари бугун аниқланади. Улар қаторидан ҳамюртимиз ҳам жой олишига умид қиламиз.

Осон эмас бу майдонда дона сурмоқ

Норвегиянинг Тромсе шаҳрида ўтаётган жаҳон кубогига шохмунҷимиз Антон Филиппов иккинчи босқичга чиққанини хабар қилган эдик.

У иккинчи босқичда жаҳон кубогининг 2011 йилдаги ғолиби, ўтган йили амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Анандга қарши жаҳон чемпионлиги учун баҳсда дона сурган исроиллик Борис Гельфанд билан ўйнаши керак эди. Биринчи ўйнда оқ доналарни бошқарган Филиппов битимга келишди. Аммо иккинчи ўйнда Гельфанднинг таҳрибаси ўз сўзини айтди...

Шундай қилиб, Антон Филиппов худди икки йил илгари бўлгани каби жаҳон кубогининг иккинчи босқичида курашни тўтатди.

Асрор МҮМИН



«БИЛИМЛАР ЯРМАРКАСИ — 2013» — ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ГЭФ КГДНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР БҲЙИЧА АМАЛИЙ СЕМИНАРЛАРИ

ИННОВАЦИЯЛАР — МАМЛАКАТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ УЧУН РАЦИОНАЛ ЕЧИМЛАР

2013 йилнинг 20-21 август кунлари Тошкент шаҳрида «Билимлар ярмаркаси» бўлиб ўтади. Ярмарка доирасида БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури (БМТ ТД) Глобал экология фондининг Кичик грантлар дастури (ГЭФ КГД) кўмағида жорий этилаётган ва намойиш қилинаётган инновацион технологиялар бўйича туркум тренинг ва тақдимотлар ўтказилади.

Ярмарка режасида ердан унумли фойдаланиш технологияси ва амалиётлари, сугорилишнинг самарали технологияларини қўллаган ҳолда сугорилиш сувидан оқилона фойдаланиш, мўқобил энергия ишлаб чиқаруви минитехнологиялар, мамлакатнинг биохилма-хиллик хизматлари ва табиий ресурслари потенциалидан барқарор фойдаланиш бўйича тақдимотлар ва ўқув семинарлари ўтказиш кўриштирилган. Ярмаркада Ўзбекистондаги ГЭФ КГД фаолиятининг турли соҳалари бўйича 17 та инновацион технология тақдимоти ўтказиш кўзда тутилмоқда. Улар сирасига дастур муваффақиятли амалга оширган ва мамлакатда кенг қўлланилаётган технологиялар барқарорда халқ ҳўжаллиғида қайчиноқлик қўлаш учун синиб қўрилиши керак бўлганлари ҳам қиради. Улар орасида қуйидагилар бор:

- ерни хайдамай деҳқончилик қилиш;
- озуқа экинларини 4 та далада алмашлаб экиш;
- ирригация каналларини изоляциялаш;
- кеча-кундузлаб сугориш;
- лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш;
- фитомелиорация;
- томиқлатиб сугориш;
- биогаз технологияси;
- кичик гидростанциялар;
- энергетика тежовчи (қўш) иссиқхоналари;
- энергетика тежовчи печлар;
- тупроғи емириляётган жойларда индигофе-

- рани етиштириш ва унинг биотехнологияси;
- Ўзбекистонда тез қўпаядиган сув экинларининг истиқболли;
- SERHOSIL — майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида;
- тупроқнинг ҳосилдор қатлами саклаш ва емирилиши олдини олиш учун асқотадиган қатор дархатзорлар;
- хандонписта плантациялари — Ўзбекистоннинг қўроқчил тоғолди ҳудудларида самарали фойдаланиш;
- ҳосилдорлигини ошириш учун керак бўладиган асаларичилик.

Ярмарка тингловчилари ва меҳмонларини ўз технологиялари билан уларни бевосита синиб қўрган ва жорий қилган фермерлар, ННТ вакиллари ва олимлар таништирилади. Ярмаркага мамлакатнинг барча вилоятларидаги фермерлар, вазирилик, идоралар, сиёсий партиялар вакиллари, ўқув юртлари раҳбарлари, КГД ҳамкорлари ва барча истаган кишилар тақлиф этилади.

Ярмарка БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури (БМТ ТД) ёрдами, Ўзбекистон Республикасининг Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бевосита ва ахборот кўмағи, «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Тошкент Ирригация ва мелиорация институти, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Хоразм Агроконсултация маркази (KRASS), мамлакатдаги илмий-тадқиқот марказлари ва университетлар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Кичик грантлар дастури барча иштирокчилар «Билимлар ярмаркаси»га тақлиф этиб, у ерда ҳар бир киши мутахассисларнинг ўзидан қимматли тажриба ўрганиши ҳамда уни табиати асраш ва одамлар турмуш шароитини яхшилаш йўлида ишлатиши мумкин.

Қўшимча маълумот олиш учун мурожаат қилинг:

ГЭФ Кичик грантлар дастури

Тел.: + 998-71-120-34-50 (ext 215); моб.тел.: + 998-93-501-52-21, факс: + 998-71-120-34-85
http://www.sgp.uz e-mail: makhsad.bauevdinov@undp.org

«БИЛИМЛАР ЯРМАРКАСИ»НИ ЎТКАЗИШ РЕЖАСИ

Реклама

Сана: 2013 йил 20-21 август кунлари

Ўтказиш жойи: Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй

20 август — биринчи кун			
Вақти	Тадбир	Ўтказиш жойи	
09:00 — 09:20	Рўйхатга олиш ва йиғилиш		
09:20 — 09:40	Ярмарканинг очилиши	Конференц-зал	
Қўловлар: М.Ҳамидов — Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ректори. Стефан Приснер — БМТ ТДнинг доимий вакили, БМТнинг доимий мувофаклаштирувачиси. К.Содиқов — Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари. С.Турдиев — Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раиси.			
09:40 — 10:00	Қўрағамни кўриб чиқиш	Холл	
10:00 — 11:00	1. «Тупроқнинг хайдамай деҳқончилик қилиш — қишлоқ ҳўжаллигини барқарор қилиш учун тупроқ унумдорлигини саклаб қилиш» тақдимоти	1-аудитория	
11:15 — 12:15	2. «Озуқа экинларини 4 майдонли алмашлаб экиш — ўша ернинг ўзидан 3 марта қўп озуқа олиш» тақдимоти	1-аудитория	
13:30 — 14:30	3. Сув ва энергияни тежаш мақсадида ирригация каналларини изоляциялаш тақдимоти	1-аудитория	
14:40 — 15:40	4. «Кеча-кундузлаб сугориш — сувини тежаш ва уни фермерлар ўртасида адолатли тақсимлаш» тақдимоти	1-аудитория	
15:50 — 16:50	5. «Ҳосилдорлигини ошириш ва ресурсларни тежаш мақсадида лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш» тақдимоти	1-аудитория	
17:00 — 18:00	6. «Фитомелиорация — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш намунаси сифатида» тақдимоти	1-аудитория	
10:00 — 11:00	1. «Томиқлатиб сугориш — Ўзбекистон қишлоқ ҳўжаллиги учун зарурат» тақдимоти	2-аудитория	
11:15 — 12:15	2. «Биогаз технологияси фермер ҳўжаллиқларидаги энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг мўқобил ечими сифатида» тақдимоти	2-аудитория	
13:30 — 14:30	3. «Маҳаллий бизнес ва аҳоли эҳтиёжлари учун кичик гидростанциялар» тақдимоти	2-аудитория	
14:40 — 15:40	4. «Истиш учун электр қувватидан фойдаланмайдиган энергияни тежовчи (қўш) иссиқхоналар» тақдимоти	2-аудитория	
15:50 — 16:50	5. «Ўрмонларни кесилишдан саклаб қоладиган энергияни тежовчи печлар» тақдимоти	2-аудитория	
10:00 — 10:20	1. «Тошкент Ирригация ва мелиорация институти инновацион технологиялари» тақдимоти	3-аудитория	
10:20 — 11:00	2. «Емириляётган ерларда индигофеани етиштириш ва унинг биотехнологияси» тақдимоти	3-аудитория	
11:15 — 12:15	3. «Ўзбекистонда тез ўсадиган сув экинларини ривожлантириш» тақдимоти	3-аудитория	
13:30 — 14:30	4. «SERHOSIL — майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида» тақдимоти	3-аудитория	
14:40 — 15:40	5. «Тупроқнинг ҳосилдор қатлами саклаш ва емирилиш олдини олиш учун зарур бўлган қатор ўрмонлар» тақдимоти	3-аудитория	
15:50 — 16:50	6. «Хандонписта плантациялари — Ўзбекистоннинг қўроқчил тоғолди ҳудудларидаги ерлардан самарали фойдаланишнинг янги ечими» тақдимоти	3-аудитория	
17:00 — 18:00	7. «Ҳосилдорлигини оширишга мўлжалланган асаларичилик» тақдимоти	3-аудитория	
21 август — иккинчи кун			
09:00 — 10:00	1. «Ҳосилдорлигини ошириш ва ресурсларни тежаш мақсадида лазер ёрдамида ерлар режасини тузиш» тақдимоти	1-аудитория	
10:10 — 11:10	2. «Сув ва энергияни тежаш мақсадида ирригация каналларини изоляциялаш» тақдимоти	1-аудитория	
11:25 — 12:25	3. «КРАСС» ННТнинг халқ ҳўжаллиги учун инновацион ишланмалари» тақдимоти	1-аудитория	
14:00 — 15:00	4. «Тупроқнинг хайдамай деҳқончилик қилиш — қишлоқ ҳўжаллигини барқарор қилиш учун тупроқ унумдорлигини саклаб қилиш» тақдимоти	1-аудитория	
15:10 — 16:10	5. «Фитомелиорация — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш намунаси сифатида» тақдимоти	1-аудитория	
09:00 — 10:00	1. «Маҳаллий бизнес ва аҳоли эҳтиёжлари учун кичик гидростанциялар» тақдимоти	2-аудитория	
10:10 — 11:10	2. «Истиш учун электр қувватидан фойдаланмайдиган энергияни тежовчи (қўш) иссиқхоналар» тақдимоти	2-аудитория	
11:25 — 12:25	3. «Ўрмонларни кесилишдан саклаб қоладиган энергияни тежовчи печлар» тақдимоти	2-аудитория	
14:00 — 15:00	4. «Томиқлатиб сугориш — Ўзбекистон қишлоқ ҳўжаллиги учун зарурат» тақдимоти	2-аудитория	
15:10 — 16:10	5. «Биогаз технологияси фермер ҳўжаллиқларидаги энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг мўқобил ечими сифатида» тақдимоти	2-аудитория	
09:00 — 10:00	1. «SERHOSIL — майда сув ўтлари ҳосилдорлик хизматида» тақдимоти	3-аудитория	
10:10 — 11:10	2. «Тупроқнинг ҳосилдор қатлами саклаш ва емирилиш олдини олиш учун зарур бўлган қатор ўрмонлар» тақдимоти	3-аудитория	
11:25 — 12:25	3. «Хандонписта плантациялари — Ўзбекистоннинг қўроқчил тоғолди ҳудудларидаги ерлардан самарали фойдаланишнинг янги ечими» тақдимоти	3-аудитория	
14:00 — 15:00	4. «Ҳосилдорлигини оширишга мўлжалланган асаларичилик» тақдимоти	3-аудитория	
16:15 — 16:30	Қўрағамнинг ёйилиши	Конференц-зал	

Эслатма: Қўрағам «Билимлар ярмаркаси» давомида узлуксиз ишлайди. Турли технологиялар бўйича тақдимот учта алоҳида аудиторияда бўлиб ўтади.

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАХРИР НАҲҲАТИ:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farruh HAMROEV

(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Ijtimoiy hayot bilan aloqalar va iqtisodiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vaspalarnilik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10561
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:


Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4